

ЧАКАНА КРЕДИТ ҚАЙТМАСЛИГИ ХАВФИДАН СУҒУРТА ҚИЛИШ БОШ ШАРТНОМАСИ

(14-класс суғурта қилиш Қоидаларига асосан ишлаб чиқилган)

Тошкент шаҳар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 25.02.2022 йилдаги СФ-серияли 00045-сонли Суғурта фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи Лицензияси асосида ўз фаолиятини амалга оширадиган, кейинги ўринларда «СУҒУРТАЛОВЧИ» деб номланувчи «ISHONCH SUG'URTA KOMPANIYASI» ҚК АЖ

1 БЎЛИМ. АТАМАЛАР

Мазкур Шартномада ишлатиладиган атамалар куйидаги тушунчаларга эга:

1.1. **Чакана кредит** – истеъмол эҳтиёжлари учун (кўчмас мулкни харид қилиш ёки қуриш бўйича кредитлар бундан мустасно), савдо ташкилотларидан товар харид қилиш учун, шунингдек овердрафт кредити, агар бундай кредитлар бўйича Қарз олувчи жисмоний шахс бўлса (*бундан буён матнда – “кредит” деб юритилади*).

1.2. **Қарз олувчи** – Суғурта қилдирувчи билан шартномавий муносабатларга кирувчи ва Кредит шартномасига кўра кредит олувчи, шунингдек Кредит шартномаси шартларига кўра кредитдан фойдаланувчи шахс.

1.3. **Наф олувчи** – мазкур Шартнома бўйича Наф олувчи – Суғурта қилдирувчи, содир бўлган суғурта ҳодисаси санасига Кредит шартномаси бўйича қарздорлик қолдиғи миқдорида (қарздорлик ҳисоб-китобига асосий қарз бўйича қарздорликнинг тўлиқ ҳажми, кредитдан фойдаланганлик учун ҳисобланган фоизлар қиради).

1.4. **Кредит шартномаси** – Суғурта қилдирувчи ва Қарз олувчи ўртасида тузилган кредит шартнома.

1.5. **Кредит қайтмаслиги** – Кредит шартномасида белгиланган миқдор ва муддатларда Қарз олувчининг кредитни ёки унинг қисмини қайтариш (сўндириш) бўйича мажбуриятлари бажарилмаслиги (лозим даражада бажарилмаслиги).

1.6. **Бахтсиз ҳодиса** – Қарз олувчи организмга ташқи механик, электрик, кимёвий ёки термик таъсир кўрсатилиши натижасида соғлиғига шикаст, тан-жароҳат ёки ўлимни келтириб чиқарган, инсон ихтиёрига зид тарзда, тўсатдан, унча узоқ бўлмаган муддатли воқеа (тафсилот).

Бахтсиз ҳодисаларга ҳар қандай шаклдаги ўткир, сурункали ва ирсий касалликлар (шу жумладан, инфаркт, инсульт ва ирсий патология ёки касалликни ривожланиши натижасидаги патология келтириб чиқарган органларнинг тўсатдан бошқа зарарланиши қирмайди).

1.7. **Ногиронлик** – тиббий-меҳнат экспертлари комиссияси (бундан буён матнда – “ТМЭК” деб юритилади) белгилайдиган, организм функциялари турғун бузилганлиги сабабли инсоннинг ҳаёт фаолияти чекланганлиги даражаси.

1.8. **Суғурта даври** – Суғурта қилдирувчи суғурта мукофотини ўз вақтида тўлаши шarti билан, мазкур Шартноманинг амал қиладиган вақт даври. Суғурталовчи мазкур Шартнома ва суғурта полисида назарда тутилган Суғурта даврда ва Географик ҳудудда содир бўлган суғурта ҳодисалари бўйича жавобгарлик олиб боради.

1.9. **Кутиш даври** – мазкур Шартномада белгиланган вақт даври, у яқун топгач, суғурта ҳодисаси содир бўлган деб ҳисобланади. Кутиш даври мобайнида Суғурталовчи, шаклланган қарздорликни ундириш бўйича оқилона ва мумкин бўлган чораларни кўриши шарт. Мазкур Шартномага асосан кутиш даври 60 (олтмиш) кундан ташкил топган.

1.10. **Ариза-сўровнома** – мазкур Шартноманинг 1-сонли Иловадаги шаклига мувофиқ мазкур Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланадиган, Суғурталовчининг талабига кўра Суғурта қилдирувчи томонидан юз бериши мумкин бўлган суғурта хавфини аниқлаш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисида тақдим этилган ёзма маълумоти.

1.11. **Суғурта полиси** – мазкур Шартноманинг 2-сонли Иловасидаги шаклига мувофиқ мазкур Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланадиган, суғурта мукофоти тўлангандан кейин Суғурта қилдирувчига бериладиган, Суғурталовчининг мазкур Шартнома шартларига асосан суғурта товонини тўлаш бўйича мажбуриятининг кучга кирганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

1.12. **Суғурта пули** – суғурта ҳодисаси содир бўлганда, Суғурталовчининг чегараланган жавобгарлик доирасини ифодаловчи пул маблағлари миқдори.

1.13. **Суғурта мукофоти** – суғурта қилдирувчининг суғурта шартномасида белгиланган тартиб ва муддатларда суғурталовчига тўлаши шарт бўлган суғурта ҳақи.

1.14. **Суғурта товони** – суғурта шартномасида келтирилган суғурта ҳодисаси содир бўлганда, суғурта қилдирувчининг зарарини қоплаш учун суғурталовчи томонидан суғурта пули доирасида тўланадиган пул маблағлари суммаси.

1.15. **Географик ҳудуд** – Ўзбекистон Республикаси.

1.16. **Суғурта ҳодисаси тўғрисида далолатнома** – Суғурталовчи томонидан суғурта воқеаси суғурта ҳодисаси деб тан олингандан кейин тузиладиган, Суғурталовчи, Қарз олувчи ва Суғурта қилдирувчи ўртасида тузиладиган ва суғурта товонини тўлаш учун асос ҳисобланадиган ҳужжат.

2 БЎЛИМ. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

2.1. Мазкур Шартноманинг предмети Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 354 (Шартнома тузиш эркинлиги) ва 360 (Қўшилиш шартномаси) моддаларига тартибда Қарз олувчининг мазкур Шартнома шартларига қўшилиши ҳисобланади, бунга кўра Суғурталовчи, Суғурта қилдирувчи/Қарз олувчи мазкур Шартномада белгиланган

миқдор ва муддатларда суғурта мукофотини тўлаши шарт билан, суғурта ҳодисаси содир бўлиши оқибатида Суғурта қилдирувчига етказилган зарарни қоплаш мажбуриятини олади, шунингдек Суғурта қилдирувчи/Қарз олувчи, Суғурталовчига тақдим этилган Ариза-сўровномада маълумотлар ишончилигини ва ҳақиқатга тўғри келишини ва мазкур Шартномани тузишга асос бўлишини тасдиқлайди.

3 БЎЛИМ. СУГУРТА ОБЪЕКТИ

3.1. Кредит шартномасида белгиланган миқдор ва муддатларда Қарз олувчининг кредитни ёки унинг қисмини қайтариш (сўндириш) бўйича мажбуриятлари бажарилмаслиги (лозим даражада бажарилмаслиги) оқибатида Суғурта қилдирувчининг даромадлар ололмаслиги билан боғлиқ бўлган Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўлмаган Суғурта қилдирувчининг мулкӣ манфаатлари суғурта объекти ҳисобланади.

4 БЎЛИМ. СУГУРТА ҲОДИСАСИ

4.1. Кредит шартномасида белгиланган миқдор ва муддатларда Қарз олувчининг кредитни ёки унинг қисмини қайтариш (сўндириш) бўйича мажбуриятлари бажарилмаслиги (лозим даражада бажарилмаслиги) оқибатида Суғурта қилдирувчида зарарнинг куйидаги воқеаларга кўра келиб чиқиши суғурта ҳодисаси ҳисобланади:

а) суғурта даврида Қарз олувчининг ҳар қандай сабабларга кўра ўлими;
б) Қарз олувчининг бахтсиз ҳодиса натижасида меҳнатга лаёқати йўқолиши (ногиронлик) – суғурта даврида содир бўлган бахтсиз ҳодиса натижасида Қарз олувчига I ёки II гуруҳ ногиронлиги белгиланиши.

4.2. Мазкур бўлимнинг 4.1. бандида назарда тутилган воқеа, фақат агар у мазкур Шартномани амал қилиш даврида содир бўлса ва Қарз олувчини ўлимига ёки Қарз олувчига ногиронлик гуруҳини белгиланишига бевосита олиб келса, суғурта ҳодисаси деб топилади.

5 БЎЛИМ. УМУМИЙ ИСТИСНОЛАР

5.1. Суғурталовчи томонидан куйидагилар натижасида юзага келган зарарлар қоплаб берилмайди:

а) Суғурта қилдирувчи/Қарз олувчининг суғурта ҳодиса содир бўлишига қаратилган қасддан қилинган ҳаракати;
б) Қарз олувчининг алкологик, наркологик ёки токсикологик мастлик ҳолатида бўлса. Алкологик, наркотик ёки токсикологик моддаларини истеъмол қилиниши келтириб чиқарган заҳарланишлар;

в) Қарз олувчи қасддан ўзига ўзи тан-жароҳат етказса ёки Қарз олувчи ўз жонига қасд қилса (ўз жонига қасд қилишга ҳаракат қилса);

г) Қарз олувчи ушлаб турилса, ҳибсга олинса ёки қамоқда сақланса ёки у озодликдан маҳрум этилган муддатда жазони ўташ чоғида;

д) Суғурталовчининг розилигисиз Кредит шартнома бўйича мажбуриятларнинг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилишига салбий таъсир кўрсатиш хусусиятига эга ҳолатлар (фоиз ставкасини ошириш, кредитлаш муддатини, кредитни ва ундан фойдаланганлик учун фоизни тўлаш тартиби ва муддатини ўзгартириш, кредит миқдорини ошириш, кредит таъминотини ўзгартириш) билан боғлиқ Кредит шартномасининг шартларига ўзгартиришлар киритилса;

е) Қарз олувчининг кредит лаёқатлилиги, Суғурталовчи қабул қилган таъминотнинг сифати ва етарлилигини баҳолаш услубиятлари ва тартибларини белгилловчи Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги меъёрлари Суғурта қилдирувчи томонидан бузилса, агар бундай тартиббузарлик кредит берилиши юзасидан қарор қабул қилинишида муҳим бўлган бўлса ёки кредит миқдорининг ошишига олиб келган бўлса;

ё) Кредит шартномаси бўйича ажратилаётган (ажратилган) пул маблағлари / кредитлаш объекти, давлат органларининг фармойишига кўра олиб кўйилса, мусодара, реквизиция, национализация қилинса, банд солинса;

ж) Суғурта қилдирувчи ва Қарз олувчи томонидан мазкур Шартномада белгиланган ўз мажбуриятлари бажарилмаса ёки ўз вақтида бажарилмаса;

з) Суғурта қилдирувчи/Қарз олувчи, Суғурталовчининг суғурта ҳодисаси сабаблари ва тафсилотларини, шунингдек зарар миқдорини аниқлаш юзасидан иштирокига тўсқинлик қилса;

и) валюталар курсининг ўзгариши.

5.2. Суғурталовчи мазкур Шартномада назарда тутилмаган ва қайд этилмаган ҳар қандай воқеаларга нисбатан жавобгарлик олиб бормайди. Суғурталовчи, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган ҳолларда суғурта товонини тўлаш мажбуриятдан озод бўлади.

5.3. Агар Суғурта қилдирувчи томонидан мазкур Шартнома шартлари бузилганлиги аниқланса, Суғурталовчи томонидан суғурта товони тўланмайди.

5.4. Агар Суғурта қилдирувчи зарар етказган шахсга нисбатан талабларни амалга оширишни таъминловчи ҳуқуқлардан бош тортса ёки Суғурта қилдирувчининг айби билан бундай ҳуқуқни амалга ошириш мумкин бўлмаса, Суғурталовчи суғурта қопламасини тўламайди (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 957 моддаси).

5.5. Суғурталовчи, мазкур Шартнома кучга киргунга қадар Қарз олувчи билан рўй берган ҳодисалар бўйича жавобгарлик олиб бормайди.

6 БЎЛИМ. СУГУРТА ПУЛИ ВА СУГУРТА МУКОФОТИ

6.1. Ҳар бир алоҳида Кредит шартномаси бўйича суғурта пули, Қарз олувчининг Ариза-сўровномада қайд этилган ёзма розилиги асосида белгиланади.

6.2. Суғурта даври учун суғурта мукофоти, ҳар бир алоҳида Кредит шартномасига нисбатан суғурта пули ва

суғурта тарифидан келиб чиқиб белгиланади.

6.3. Мазкур Шартнома бўйича Суғурта мукофотини тўлаш тартиби ва муддатлари мазкур Шартноманинг Ариза-сўровномасининг 17 бандида кўрсатилган.

6.4. Пул маблағлари Суғурталовчи ҳисобрақамига келиб тушган кун суғурта мукофоти тўланган сана ҳисобланади.

6.5. Суғурта мукофоти ариза-сўровнома тақдим этилган кундан бошлаб, 5 (беш) банк куни мобайнида тўланилиши шарт.

6.6. Суғурта товони тўлангандан кейин мазкур Шартнома суғурта пули ва суғурта товони ўртасидаги фарк миқдорида амал қилади.

6.7. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 936 “Тўлиқ бўлмаган мулкый суғурта” моддасига мувофиқ агар суғурта пули суғурта қийматидан кам қилиб белгиланган бўлса, суғурта товони тўлови суғурта пулининг суғурта қийматига бўлган нисбатига мутаносиб равишда қоплаб берилади.

7 БЎЛИМ. ШАРТНОМАНИ ТУЗИШ ТАРТИБИ ВА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ/ТУГАТИШ

7.1. Мазкур Шартнома уни имзолаган пайдан бошлаб кучга киради ва Суғурта полисларида кўрсатилган муддат мобайнида амал қилади. Мазкур Шартноманинг 1-сонли Иловасида келтирилган шаклдаги Қарз олувчи/Суғурта қилдирувчининг Ариза-сўровномаси мазкур Шартнома бўйича суғурта полисини берилишига асос ҳисобланади.

7.2. Суғурталовчининг мазкур Шартномага кўра суғурта товонини тўлаш бўйича мажбурияти ахдлашилган суғурта мукофоти ўз вақтида тўланиши шarti билан юзага келади. Суғурта мукофоти ўз вақтида тўланмаган тақдирда, Суғурталовчининг мазкур Шартномага кўра суғурта товонини тўлаш бўйича мажбурияти ахдлашилган суғурта мукофоти тўланган кундан юзага келади ва Суғурта полисида кўрсатилган суғурта даври тугагунга қадар амал қилади.

7.3. Мазкур Шартномага кўра шартлашилган суғурта Суғурталовчининг суғурта товонини тўлаш бўйича мажбурияти кучга кирганидан кейин юз берган суғурта ҳодисаларига нисбатан татбиқ этилади ва Суғурта полисида кўрсатилган суғурта даври мобайнида амал қилади.

7.4. Суғурта полиси суғурта мукофоти тўлиқ ҳажмда тўланган кундан бошлаб 3 (уч) иш куни ичида берилади.

7.5 Мазкур Шартнома ҳар қайси томоннинг ёзма аризасига кўра исталган вақтда, бекор қилиш кўзда тутилаётган санадан 30 (ўттиз) кун олдин ушбу тўғрисида хабар бериш шarti билан бекор қилиниши/тугатилиши мумкин.

7.6. Мазкур Шартнома (полис) муддатидан аввал бекор қилинса/тугатилса, суғурта мукофоти (шу жумладан қисман) қайтариб берилмайди.

7.7. Мазкур Шартнома куйидаги ҳолларда тугатилади:

а) мазкур Шартнома томонларининг келишувига кўра;

б) суғурта даври тугаганда;

в) Суғурталовчининг Суғурта қилдирувчининг олдидаги барча мажбуриятлари тўлиқ ҳажмда бажарилганда;

г) мазкур Шартнома ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида назарда тутилган бошқа ҳолатларда.

7.8. Мазкур Шартномани бекор қилиш ва тугатиш, мазкур Шартнома доирасида Суғурталовчи томонидан Суғурта қилдирувчига берилган суғурта полисларини кучини йўқотишини келтириб чиқармайди.

8 БЎЛИМ. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

8.1. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида:

8.1.1. Суғурта қилдирувчи куйидаги ҳуқуқларга эга:

а) мазкур Шартноманинг амал қилиш муддатида мазкур Шартнома бўйича бепул асосда маслаҳатлар олиш;

б) Шартномада назарда тутилган ҳолат ва шартларда Шартномани бекор қилиш;

в) Суғурталовчидан, суғурта ҳодисаси содир бўлгандан кейин ва Шартнома шартларига амал қилган ҳолда, мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажарилишини талаб этиш;

г) Суғурталовчидан қонунчиликка зид бўлмаган мазкур Шартноманинг бошқа шартларини бажарилишини талаб этиш.

8.1.2. Суғурта қилдирувчининг мажбуриятлари:

а) кредитлаш масаласига эҳтиёткорлик ва эътибор билан лозим даражада ёндошиш, ҳеч бўлмаганда унинг хавфлари худди суғурта қилинмаганда, ундан қутилиши мумкин бўлган жавобгарлик ва эҳтиёткорлик даражасида ёндошиши. Суғурта қилдирувчи, Қарз олувчи ёки учинчи шахслар томонидан ўз ҳуқуқларини бузилишини олдини олиш бўйича зарурий чораларни ишга солиши шарт;

б) мазкур Шартномани амал қилиш даврида мазкур Шартнома тузилаётганда Суғурталовчига маълум қилинган ҳолатлар бўйича ҳар қандай муҳим ўзгаришлар тўғрисида дарҳол (бу ҳақда унга маълум бўлган пайдан 3 иш кун ичида) ёзма равишда Суғурталовчини хабардор этишга, агар бундай ўзгаришлар суғурта ҳодисаси рўй бериш таваккалчилик даражаси ўзгаришига сезиларли таъсир қилиши мумкин бўлса;

в) мазкур Шартномани амал қилиш муддатида ногиронлик гуруҳи белгиланишини келтириб чиқариши мумкин бўлган Қарз олувчи билан рўй берган бахтсиз ҳодиса тўғрисида Суғурталовчини хабардор этишга;

г) Қарз олувчига ногиронлик гуруҳи белгиланса ёки Қарз олувчи ўлими ҳолатида, ушбу тўғрисида воқеа содир бўлган санадан эътиборан 30 (ўттиз) календар куни ичида Суғурталовчини хабардор этишга. Мазкур мажбурият, шунингдек Қарз олувчи ёки унинг меросхўри томонидан бажарилиши мумкин;

д) Суғурталовчига суғурта товонини тегишли суммасини қайтариб беришга, агар суғурта товони тўлаб берилгандан кейин Суғурта қилдирувчининг зарарлари Кредит шартномаси доирасида Қарз олувчи ёки учинчи шахслар томонидан қисман ёки тўлиқ қоплаб берилган бўлса. Пул маблағлари Суғурталовчига маблағ келиб тушган кундан эътиборан 3 (уч) банк иш куни ичида қайтарилиши шарт;

8.1.3. Қарз олувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- а) мазкур Шартноманинг амал қилиш муддатида мазкур Шартнома бўйича бепул асосда маслаҳатлар олиши;
- б) Шартномада назарда тутилган ҳолат ва шартларда Шартномани бекор қилиши;

8.1.4. Қарз олувчининг мажбуриятлари:

а) суғурта мукофотини мазкур Шартномада белгиланган миқдор ва тартибда ўз вақтида тўлаши;

б) содир бўлган суғурта воқеаси тўғрисидаги маълумотларни, Қарз олувчига бундай воқеа рўй берганлиги аён бўлган кундан эътиборан 30 (ўттиз) календар кундан кечиктирмай, Суғурта қилдирувчи ва/ёки Суғурталовчига маълум қилиши;

в) Кредит шартномаси бўйича мажбуриятларини бажарилиши учун зарур бўлган барча чораларни кўриши;

8.1.5. Суғурталовчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) мазкур Шартномани бекор этишни талаб қилишга, агар Суғурта қилдирувчи мазкур Шартноманинг 8.1.2. (б) кичик бандига мувофиқ мазкур Шартнома шартларини оқилона ўзгартиришга ёки қўшимча суғурта мукофотини тўлашга эътироз билдирса;

б) суғурта товонини тўлашни рад этиш, агар Суғурта қилдирувчи/Қарз олувчи:

- била туриб суғурталанган Кредит шартномасига оид ёлғон ва нотўғри маълумотларни тақдим этган бўлса;
- мазкур Шартноманинг шартларини бажармаётган бўлса;
- содир бўлган суғурта воқеаси тўғрисида мазкур Шартномада белгиланган муддат ва усулда Суғурталовчини ўз вақтида ва узрли сабабсиз хабардор этмаса;
- ушбу Шартнома ва суғурта полисидан фойда чиқариш мақсадида алдов усуллари ва воситаларидан фойдаланса;
- зарар етказган шахсга даво қилишдан ёки унга нисбатан талабларни амалга оширишни таъминловчи ҳуқуқлардан бош тортса, шунингдек зарар етказган шахсга регресс талабларини қўйиш учун зарур бўлган ҳужжатларни Суғурталовчига тақдим этишдан бош тортса;
- агар зарар миқдори зарар етказган шахс томонидан тўлиқ қопланган бўлса;
- Суғурта қилдирувчи томонидан содир бўлган воқеа характери, сабабларини аниқлаш учун зарур бўлган ҳужжат ва маълумотларни тақдим этмаса ёки била туриб ёлғон ҳужжат ва маълумотларни тақдим этса;
- содир бўлган воқеа Шартномада назарда тутилган истисноларга кирадиган бўлса.

в) агар Суғурта қилдирувчи/Қарз олувчига нисбатан зарар юзага келиши муносабати билан тергов ёки суд суриштируви тайинланган бўлса, суғурта товонини тўлашни мазкур суриштирув якунига қадар кечиктиришга ёки агар Суғурта қилдирувчининг тоvon олишга бўлган ҳуқуқларига нисбатан шубҳа мавжуд бўлса – зарур далиллар тақдим этилгунча/олингунча кечиктиришга;

г) суғурта ҳодисаси рўй берганлиги факти ва тўланиши лозим бўлган суғурта товони миқдорини аниқлаш учун зарур бўлган ахборотни мустақил ёки ихтисослаштирилган ташкилот орқали текширувдан (экспертизадан) ўтказишга, шунингдек унинг келиб чиқиш сабаблари ва тафсилотларини аниқлашга, суғурта воқеасини келиб чиқиш сабаблари ва тафсилотларини экспертизадан ўтказишга.

8.1.6. Суғурталовчи мажбуриятлари:

а) мазкур Шартнома доирасида маслаҳатлар бериш;

б) мазкур Шартномада белгиланган муддат ва тартибда суғурта полисини бериш;

в) суғурта ҳодисаси содир бўлганда, мазкур Шартномада белгиланган тартиб, муддат ва миқдорларда суғурта товонини тўлар бериш;

г) Суғурта қилдирувчи, Қарз олувчи ва уларнинг мулкий ҳолати тўғрисидаги маълумотларни ошкорлик этмаслик, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно;

д) юридик манзил ва банк реквизитлари ўзгарган тақдирда, бу ҳақда Суғурта қилдирувчини 5 (беш) календар кундан кечиктирмай хабардор этиш.

9 БЎЛИМ. ЗАРАР МИҚДОРНИ АНИҚЛАШ ВА СУҒУРТА ТОВОНИНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

9.1. Суғурта ҳодисаси деб тан олиши мумкин бўлган воқеа содир бўлганда, Суғурта қилдирувчи (Наф олувчи), бундай воқеа содир бўлганлиги ҳақида у аниқланганидан эътиборан, 5 (беш) иш кун ичида Суғурталовчинини ёзма хабардор этиши, мазкур Шартномада белгиланган кутиш даври якунлангандан сўнг ва фақат кредит бўйича вужудга келган муддати ўтган қарздорликни ундириш бўйича барча оқилона ва мумкин бўлган чоралар кўрилгандан кейин Суғурталовчига суғурта товонини тўлаб берилиши юзасидан ёзма ариза тақдим этиши шарт.

9.2. Кўрилган зарар миқдори, суғурта ҳодисаси содир бўлган санадаги Қарз олувчининг кредит бўйича барча сўндирилмаган қарздорлиги миқдорига тенг бўлиб, қуйидагиларга камайтиради:

- неустойка, жарима ва/ёки пеня бўйича қарздорликка, шу жумладан бошқа шахснинг пул маблағларидан фойдаланганлик учун фоизлар (асосий қарз ҳамда кредитдан фойдаланганлик учун ҳисобланган фоизлар бундан мустасно);
- кредитдан фойдаланганлик учун воситачилик ҳаққи (бошқа шаклдаги мукофотлар) бўйича қарздорликка;
- қарзни сўндириш мақсадида Қарз олувчи ёки учинчи шахсдан олинган ҳар қандай маблағ миқдорига.

9.3. Суғурта қилдирувчи, мазкур Шартномада назарда тутилган суғурта ҳодисаси содир бўлганда, Суғурталовчига суғурта товонини тўлаш бўйича ёзма аризани тақдим этади ва унга суғурта ҳодисаси факти ва тафсилотларини ва Суғурта қилдирувчининг зарарлари миқдорини тасдиқловчи куйидаги ҳужжатларни илова қилади:

- Кредит шартномаси ва тўлов графиги нусхаси;
- Кредит шартномаси бўйича Қарз олувчининг кредит қарздорлигининг ҳақиқий қолдиғи тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олувчи Суғурта қилдирувчининг маълумотномаси;
- юзага келган шароитда эҳтимолий зарарларни камайтириш ва уларни олдини олиш бўйича кўрилган оқилона ва мумкин бўлган чоралар амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- Суғурта қилдирувчи томонидан қарздорликни ундириш бўйича кредитлаш объектига қаратганлигини, шунингдек Кредит шартномаси бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши бўйича бошқа усуллар қўлланилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- ваколатига бахтсиз ҳодисани содир бўлганлиги фактини тасдиқлаш, юзага келган оқибатларни аниқлаш кирадиган тегишли ваколатли органнинг ҳужжати (жиноий ва/ёки маъмурий ишини кўзғатиш ёки рад этиш, жиноий ва/ёки маъмурий ишни тўхатиб туриш ёки тугатиш тўғрисидаги қарор нусхаси, суднинг қарори/ҳукми, иш берувчи томонидан тузиладиган ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса тўғрисидаги далолатнома, ёнгин хавфсизлиги хизмати хулосаси ва ш.ў.);
- Қарз олувчига белгиланган ногиронлик сабаби кўрсатилган ТМЭК хулосасининг нусхаси;
- Қарз олувчининг ўлим гувоҳномасини асли ёки нотариал тартибда тасдиқланган нусхаси;
- зарар миқдори ва сабабларини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар.

9.4. Суғурталовчи юқорида баён этилган ҳужжатлар рўйхатини қисқартиришга, шунингдек Суғурта қилдирувчидан кўшимча ҳужжатларни талаб қилишга ҳақли, агар аниқ ҳолатларнинг ҳисоби билан, уларнинг мавжуд эмаслиги, суғурта ҳодисасини рўй берганлиги фактини аниқлаш ва зарар миқдорини белгилаш имкониятини бермаса.

9.5. Суғурталовчи, зарур ҳолларда, содир бўлган воқеа бўйича тафсилотлар тўғрисида ахборотга эга бўлган ваколатли органлар ва бошқа муассаса ва ташкилотлардан мустақил равишда воқеа билан боғлиқ маълумотларни сўраб олиши мумкин, шунингдек суғурта воқеаси сабаблари ва ҳолатларини мустақил суриштиришга ҳақли.

9.6. Томонлар ўртасида зарар сабаблари ва миқдорлари бўйича низо келиб чиқадиган бўлса, ҳар бир томон экспертиза ўтказилишини талаб қилишга ҳақли. Экспертиза, уни талаб қилган томон ҳисобидан ўтказилади.

9.7. Суғурта қилдирувчи ва ваколатли органлардан олинган ҳужжатлар ва ўтказилган текширувлардан кейин, Суғурталовчи хабар қилинган воқеани суғурта ҳодисаси деб тан олиш/тан олинмаслиги ёки суғурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

9.8. Хабар қилинган воқеани суғурта ҳодисаси деб тан олмаслик ёки суғурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарор, Суғурта қилдирувчига 10 (ўн) кун ичида рад этишнинг асослантирилган сабаблари билан ёзма маълум қилинади.

9.9. Хабар қилинган воқеа суғурта ҳодисаси деб тан олинса, Суғурталовчи, суғурта ҳодисаси тўғрисидаги ариза ва барча зарур ҳужжатларни (мазкур Шартноманинг 9.3. банди) олинган кундан бошлаб, 5 (беш) иш куни ичида суғурта ҳодисаси тўғрисида далолатномани тузади.

9.10. Суғурта товони (суғурта пули) тўлови, Суғурталовчи ва Суғурта қилдирувчи ўртасида имзоланган суғурта ҳодисаси тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб, 15 (ўн беш) банк куни ичида Суғурта қилдирувчининг банк ҳисобрақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

9.11. Суғурта воқеаси юзага келишига айбдор бўлган шахс томонидан зарар миқдори тўлиқ қопланган бўлса, Суғурталовчи суғурта товонини олиш бўйича ўз ҳуқуқини йўқотади.

9.12. Қарз олувчини суд томонидан вафот этган деб эълон қилинса, суғурта товони, суд қарорида Қарз олувчи ўлим хавф солиб турган ёки муайян бахтсиз ҳодисадан ҳалок бўлган деб тахмин қилиш учун асос бўладиган вазиятларда бедарак йўқолган бўлиши ва унинг йўқолган ёки тахмин қилинган ҳалокат куни мазкур Шартноманинг амал қилиш кунига тўғри келиши шарт билан тўлаб берилади. Қарз олувчининг бедарак йўқолган деб тан олиниши, мазкур Шартнома бўйича суғурта ҳодисаси деб ҳисобланмайди.

10 БЎЛИМ. СУБРОГАЦИЯ (РЕГРЕСС)

10.1. Суғурта қилдирувчининг Қарз олувчидан зарарни қоплаш бўйича талаб қилиш ҳуқуқи, Суғурта қилдирувчига тўланган суғурта товони миқдори доирасида Суғурталовчига ўтади.

10.2. Суғурталовчи талабига кўра, Суғурта қилдирувчи ушбу суброгацияни ҳақиқийлигини таъминлаш ва Суғурталовчи томонидан унга ўтган суброгация ҳуқуқини амалга ошириш учун зарур бўлган барча ҳужжатларни, шу жумладан ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатларни, шунингдек далил ва маълумотларни Суғурталовчига бериши шарт. Суғурта қилдирувчи Суғурталовчига талаб қилиш ҳуқуқини ўтказиш бўйича барча тартиб-тамойилларини бажаради ва Суғурталовчи фойдасига зарур бўлган ҳар қандай воз кечиш ёки топширишни амалга оширади.

10.3. Агар Суғурта қилдирувчи Суғурталовчи томонидан ундирилган зарар юзасидан жавобгар бўлган шахсга нисбатан ўзининг талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечса ёки ушбу ҳуқуқни амалга ошириш Суғурта қилдирувчининг айбига

қўра мумкин бўлмай қолса, Суғурталовчи суғурта товонини тўлиқ ёки тегишли қисмини тўлашдан озод бўлади ва, аниқ ҳолатдан келиб чиқиб, Суғурта қилдирувчидан суғурта товонининг тўланган суммасини қайтариб беришни талаб қилишга ҳақлидир.

11 БЎЛИМ. ТОМОНЛАР ЖАВОБГАРЛИГИ

11.1. Зиммаларига олинган ўз мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўладилар.

11.2. Томонлар ўз мажбуриятларини бажармасликлари енгиб бўлмас куч (форс-мажор) келтириб чиқарган бўлса, жавобгарликдан озод бўладилар. Енгиб бўлмас куч таъсирида бўлган томон бошқа томонни унинг юзага келганлиги ва кўрсатилган ҳолат қанча давом этиши мумкинлиги ҳақида хабардор қилиши шарт.

ФОРС-МАЖОР ҳолати бўйича бўлим қўшинг

12 БЎЛИМ. БОШҚА ШАРТЛАР

12.1. Мазкур Шартноманинг шартлари умумий суғуртанинг 14 классификацияси суғурта қилиш Қоидаларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

12.2. Мазкур Шартномага қўшимча ва ўзгартиришлар томонларнинг келишувига қўра ёзма шаклда киритилади.

12.3. Мазкур Шартномага қуйидагилар илова қилинади ва ажралмас қисми ҳисобланади:

1-сонли Илова. Суғурта қилиш учун Ариза-сўровнома.

2-сонли Илова. Чакана кредит қайтмаслиги хавфидан суғурта қилиш полиси.

12.4. Мазкур Шартномада кўрсатиб ўтилмаган барча масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

12.5. Томонлар, мазкур Шартнома, Иловалар ва мазкур Шартнома билана боғлиқ бошқа ҳужжатларнинг мазмуни тўғрисида томонлардан бирининг олдиндан берган ёзма розилигиз ҳар қандай учинчи шахсга ошкор этмаслиги бўйича жавобгарлик олиб борадилар.

12.6. Мазкур Шартномадан келиб чиқадиган барча низолар ва келишмовчиликлар музокаралар йўли билан ҳал қилинади, агар келишувга эришилмаса, суд тартибида ҳал қилинади.

12.7. Мазкур Шартнома 2 (икки) нусхада тузилган бўлиб, Суғурталовчи ва Суғурта қилдирувчи битта нусхадан сақланади ва уларнинг ҳар бири бир хил юридик кучга эга.